



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: [uzas@h2c.uz](mailto:uzas@h2c.uz) 2012-yil 8-dekabr • №49 (4188)

2013 йил — Обод турмуш йили

## ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Кадрли дўстлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз азизлар билан мана шу гўзал ва муштарам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чуккур ҳурматини билдириш, сихат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги кутлуг сана — халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституцияимизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улуг айём билан сизларни, сизларнинг тимсолигинида бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституцияимизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда муҳассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуккур ўйлангани, ҳар томонлама мустахкам асосга эга эканини яққол намойён этади.

Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуккур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эди-у, бугун ким бўлди, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётганини мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни энг би ўтишишга тўғри келгани ҳаммаимизга яхши маълум. Экин буларнинг барчасига қарамадан, Ўзбекистон иқтисодиёти йилгирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида яппи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далolat беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда яппи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражада ташкил этгани, макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан баҳарлиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи kiffo.

Осиё тараққиёт банкнинг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституцияимизда мустахкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт модели муҳассам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, авваламбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётни мафкуралардан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакики, ҳар қандай демократик тизим негизда ётган — ҳокимиятнинг қонун қаруви, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифи ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга ҳаво берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз.

Бу — собиқ совет давридаги марказлашган режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустахкамлаш демакдир.

Бу — айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик қафолати, мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлайдиган ўрта синф — яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб билидиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланиши таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш — бу бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узок ва узлуқсиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.

Шу маънода, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёндарининг мангиллиги ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз ҳолатида эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замона ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узок муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўплаган оз бўлса-да, лекин гоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни таққор ва таққор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, факат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизда чуккур асосланган сиёсий йўл ва ислохотларнинг изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеаларни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислохотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислохотларни қандайдир ҳавоий мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилиниди, 30 дан ортқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда, қўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги гоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент — Давлат бошлиғи билан қонун қаруви ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишонсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга — Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғриси-

да"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш ва янада либераллаштириш, "Хабмас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислох этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Жамоат назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолати тўғрисида"ги қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустахкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолати тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида имзоланган "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қўлайлигини оширишнинг қафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни яқунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш тақши ва жaxon бозорларида глобал инқироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанлиқ, бунинг ҳолати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишимиз ҳал қилувчи омилларидан бири бу — ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболаға бўлмайд.

Давоми иккинчи саҳифада.



Суратда: Зулфия мукофоти совриндорлари — Ситора ТОШМАТОВА, Бону АЗИЗОВА. Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат.

10 декабр — Ўзбекистон Республикаси  
давлат маҳияси қабул қилинган кун

МАДҲИЯМ

Шеърли оғза

Гурули, улугвор бу миллат —  
Халқ руҳи бир-ла ҳур мамлакат  
Қудратини айлаган ялакат  
Мадҳиям, мадҳиям, мадҳиям.

Озод рух, озод сўз — ашула,  
Энг улуг, энг азиз ашула,  
Жонимдан ҳам лазиз ашула,  
Мадҳиям, мадҳиям, мадҳиям.

Юртимнинг бахтидек порлагай,  
Мадҳиям, мадҳиям, мадҳиям.

Ўзлим, гурурим, оримсан,  
Ватаним — онамсан, ёримсан,  
Мангусан, абадий боримсан,  
Мадҳиям, мадҳиям, мадҳиям!

Антонина ИПЛИНА

Соф ўзбек тилида янграйгай,  
Бир байроқ остига чорлагай,

Наманган

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг йилгирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституцияимизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда муҳассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан баҳарлиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи kiffo.

Бу бир юрдошимиз, бутун халқимиз ҳаётдаги барча ўзгариш ва янгиланишлар, мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб бораётгани Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу кун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йил Мустахкам оила йили деб эълон қилинган эди.

Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида оила институти янада мустахкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барчамизга яхши аёни, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бундай юксак орзуға етишнинг шарти ва гарови бўлган омишлар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омиш борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашда яққол намойён бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилишни тақлиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА



2013 йил Ўзбекистон Республикаси вақтга матбуот нашрларига обуна бўлинг. Обуна КАТАЛОГИНИНГ электрон кўриниши [www.akmt.uz](http://www.akmt.uz) сайтида. \*ОБУНАГА ҚУМАКЧИ-МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ\*

тел: 233-67-98  
E-mail: [info@akmt.uz](mailto:info@akmt.uz)

# ИНСОН МАНФААТИ, ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва ме-роси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамлари-миз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бо-раётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниш етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бе-раётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ та-саввур этмоқда. Нега деганда, шунч ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, биз кўпни курган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қад-риятларимизни юксак баҳолайдиган халқимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз ни-малар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютук ва марраларга эришганини ҳолисона ба-ҳолаб, ҳар қандай кибор-хаво кайфиятларига бе-рилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанг-ги ёруғ, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган келажа-гимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йилда бизнинг энг катта таянч ва суянчи-миз, хал қилувчи қўчимиз ёш авлодимиздир.

Бу – Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё ми-қёсда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мут-лақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хўнаранлари ўзлаштир-ган, мустиқли фикирлайдиган, эртанги кунга ин-тилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма оломоқда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпаяса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Хурматли дўстлар!

Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган ва-зият ва жараёнлар, мавжуд моҳораларнинг кес-киллашуви ва янги қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар неғизда вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиш хавфи, муро-сасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўқоларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик дав-латларнинг манфаатлари ўзара тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва и-зчил ривожланишига салбий таъсир кўрсати-ши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалиция қўшинлар-нинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Аф-ғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атро-фидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терро-ризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайи-ши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳоли чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жи-дий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда риво-жланиши бугунги қарама-қаршилиқнинг миллат-лар ва эллар ўртасидаги можабро айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга қўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай сал-бий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буй ҳуқуққа этилаётган энг мақбул вариант – бу Бирлашган Миллатлар Та-шқилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокчида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ ҳатти-ҳаракатларининг бош мақса-ди ўзара кураш олиб бораётган қўчлар ўр-тасида муросага эришиш ва коалиция афғон ҳукумати шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистон-даги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакики, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон бил-ман муносабатларини икки давлатнинг мил-лий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқи-нинг ўз мамлакатни келажагини ўйлаб танла-ган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томон-лама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буюн ҳам шу принципга амал қилади.

Халқро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғриси-да"ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мумкинсамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз муста-қиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бosh қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ мuddатли миллий манфаатларини кўзалган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудда ҳорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларни аниқ-рав-шан баён этади.

Ўзбекистон мафқуравий тамойиллар сабаб-ли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзи-нинг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли

моҳоролар ва кескинлик ўқоларида мамла-катимизнинг ишторик этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низо-ларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга ке-лаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчли-ги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиз-даги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжihatлида яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатини халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиё-сатини айни шу принципларга асосланиб олиб бориши барча юртдошларимиз, бутун халқи-миз қўллаб-қувватлайди.

Хурматли дўстлар!

2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлини бўлиши оила институтини янада ривожланти-ришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқ-али ҳаёт абадишлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишлари-ни мўжассам этадиган оилани янада мустаҳ-камлаш ва фаровонлигини ошириш, бу бора-да олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олижаноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг қўлмали чора-тадбирларни бажариш натижа-лари, уларнинг амалий таъсири ва самара-си ҳақида йил якунига қўра жойларда бўлиб ўтадиган йилгилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, руҳсатингиз билан, ана шу дас-турнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўттиши зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, оила институтини мус-таҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва тақомиллаш-тириш масалаларига алоҳида эътибор бери-лганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оила-вий тадбиркорлиқни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шў-лар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда ёш оилаларга эътибор ва ҳамўрлиқни кучайти-риш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қув-ватлаш каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та қўлқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та кварта-ра фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шун-дай уйлари сотиб олишда қўлай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муд-датга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилади.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хўнара коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдориди мак-рокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банklar томонидан мамлакатимиз-да ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдала-ниладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, ма-шиий техника ва бошқа уй-рўзгор буюмлари-ни харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оила-ларнинг рўзгорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, ян-глишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш бил-ман шуғулланаётган яқна тартибдаги тадбир-корларнинг уч йил мuddатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз эътиҳамд оилалар-га ижтимоий ҳамўрлиқни янада кучайтириш-га алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай тахсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқот-ган, ёрдамга муҳтож оилаларга 900 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй парандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда ҳам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қўймати қарийб 28 мил-лиард сўмдан иборат бўлган қишки қийим-кечак берилади. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин би-ринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбат-лантириш мақсадида 190 мингта спорт қийим-лари тўплами уларга совға тариқасида бери-лгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг на-фар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳ-ларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ёш оиланинг ниҳоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисоби-дан ўтказиб берилади.

2012 йилда ана бир долларб вазифа – аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада қишқ қорхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш

ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган оилавий тад-биркорлик ва хусусий бизнесни янада риво-жлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитлар-нинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳа-сига фаол жалб этишга йўналтирилган кредит-лар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент ви-лоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғарма-си маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқ-дориди микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, оила-сингилларимизнинг меҳна-тини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фойда илтимой, маданий, социал ва иқтисо-дий соҳаларда, болалар тарбиясида янада са-марали фойдаланиш мақсадида илгари қўрил-маган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада "Оилаларнинг ижтимо-ий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадон-ларнинг маиший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайти-риш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжал-ланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кре-дитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш ма-даниятини оширишга қаратилгани билан ай-нисча аҳамиятлидир.

Шу ўринда ана бир эътиборга лойиқ масала-га тўхталмоқчиман. Бу йил қишлоқ аҳоли пунк-тларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминланиши янада яхши-лаш бўйича қурилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 милли-он АКШ доллар миқдориди маблағ сарфла-ниб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тар-моқлари барпо этилди ва реконструкция қилин-ди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Ўтук-ва барқамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институ-тининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақида гапирганда, оила, маҳалла ва таъ-лим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлиқни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комп-лекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимизда-ги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчилар 76 фоизи мактаблар ва "Барқамол авлод" болалар мар-казларида ташкил этилган фан, музика ва санъ-ат тўғралаклариди, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мак-таби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хўнара коллежиди ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, ҳомашё маҳсулотлари билан таъминланди. "Электрон таълим" лойиҳаси доирасида олиий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш бора-сидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш қўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган маҳсус ўқув дастури асосида 30 ми-нга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация тех-нологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуни-ят билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқро ҳамжамият томонидан тан олинган "Соғлом она – соғлом бола" дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил даво-мида янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа халқро жамғармалар бил-ман ҳамкорлиқда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида тиббиёт ҳодимларининг малакаси-ни ошириш, замонавий техник воситалар ёрда-мида малакали ташхис қўйиш, касалликлар-ни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилади, профилактика тадбир-ларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадиимиз бўлган соғлом ва барқамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд қўриш ёишдаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Шулар қато-рида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга те-гишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини ай-тиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базаси-ни мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АКШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битазилган, энг замонавий тиббий асбоб-ўқуналар билан таъминланган Республика иxtисослаштирилган жаррохлик марказининг кардиожаррохлик маж-муаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб тур-ган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб эти-ши билан айниқса эътиборлидир.

Таъкидлаш керакики, "Мустаҳкам оила йили" жамиятимизнинг маънавий негизларини яна-

да ривожлантириш, азалий қадриятларни ас-раб-авайлаш, юксак маънавий мухитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузи-ни оширишга қаратилган қўллаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестивал-лар, кўргазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори замонавий спорт ин-шоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инф-ратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирил-моқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та бола-лар спорт объекти фойдаланишга топширил-ди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлан-тириш, ўзбек футболни ривожини янги босқич-га кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тош-кент шаҳрида замонавий "Бунёдкор" спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилга-ни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сало-ҳиятини яна бир бор ёрқин намоеён этди. Мар-казий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшлар-римизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳат-дан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчилари-мизнинг жаҳон майдонларида юксак марралар-ни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёда-ги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хиз-мат қилиши мукаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугун-ги кунда ўзининг амалий самараси ва ҳосили-ни бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита тер-ма жамоаси – ўн олти ёшгача бўлган ўсмир-лар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жа-моамиз Осиё кўпёсидаги манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин курашларда ғалаба қозонгани, келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мух-лисларини, ўйлайманки, бутун халқимизнинг кўнглини кўтариб, гурур ва ифтихор етказди, десам, адашмаган бўлам.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчилари-мизга, Ватанимиз байроғини халқро майдон-ларда баланд кўтариб келаётган барча спорт-чиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга бахт ва омад тилашга рухсат бергайсиз.

Мухтарам ватандошлар!

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга қўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта рақамга қарати-тиш жоиз, деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манба-лар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АКШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг қўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далolat беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай оли-жаноб ва савобли ишга ўз хиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳорижий ва халқро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дип-ломатик ваколатхоналар вакиллари, эзгу мақ-сад йўлида шиддиқлидан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз но-мидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, "Мустаҳкам оила йили" ўзининг тўл мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юрти-миз хотирасида чўқур из қолдиради, десам, сиз азизлар шу фикрга қўйиласиз, албатта.

Қадрили юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида ма-лахатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шунч кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройил ном бериш эмас, бу гоёни муқатл қўлчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Ўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш неғизда авваламбор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, та-раққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш – айни шу каби эзгу мақсад-муддаслар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунё-га бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган оми-лар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъ-но

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь кунин Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди**

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва оқсоишталлигини янада мустаҳкамлашда ўрнат ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь кунин ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваломбор, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз азизларни Конституцияимизнинг йигирма йиллик қутлуг байрами билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг қучур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга катта хурсандчилик етказди, — деди Ислам Каримов. — Ҳар йили Конституция кунин арафасида мана шу муқташам саройида тўпнали, Ватанимиз равнақи йўлида ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан бошқаларга ибрат ва намуна бўлиб келатган, юксак унвон, орден ва медалларга муносиб бўлган юртдошларимизга ушбу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши аънаъига айланиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда шу кунларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ғойибона бағримга босиб, муборакбод этиш, энг самий тилакларини билдириш мен учун катта шарафдир.

Бугун бир ҳақиқатни мамнуният билан такрор айтқиман: ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодий-тимизнинг турли соҳаларида — бу саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги бўладими, қурилиш, транспорт-коммуникация тизими бўладими, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, тинч-осуда ҳаётимизни ҳимоя қилиш бўладими, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спортни ривожлантириш бўладими — лўнда қилиб айтганда, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ислохотларни изчил амалга

оширишга, юртимизнинг гуллаб-яшнашига бор билим ва тажрибасини бағишлаб, катта ҳисса қўшаётган сизлар каби минг-минглаб инсонларнинг хизматларини, мардлик, одамийлик, бағрикенглик фазилатларини халқимиз муносиб баҳоламоқда, деди Президентимиз.

Ҳозирги кунда дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда қанча-қанча қийинчилик, қанча нотинчлик, инқироз қучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонимиз юксак марраларга эришаётган экан, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай ютуқлар аввало халқимизнинг ҳурмати-га сазовор бўлган сиз азизларнинг фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан қўлга киритилаётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда аввало халқимизнинг меҳнати ва матонатини, амалга оширилаётган қучур ислохотлар ҳисобидан, янги мақсадларга интилиш ҳисобидан эришилаётган ютуқ ва марраларнинг жаҳон миқёсида тан олинаётганининг ўзи барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай юксак эътироф ҳақида гапирганда, биз яхши тушунамиз, англаймиз: бундай марраларни эгалаётганимиз, уларни халқаро жамоатчилик тан олаётгани негизда мана шу муқаддас юртимиз, ғўзал диёримизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси бор, албатта, деб таъкидлади Президентимиз.

Шу маънода, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз, ана шу ютуқларда менинг ҳам хизматим, менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошқини баланд кўтариб айтишга ҳақли, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, Оллоҳнинг марҳамати билан ана шундай кўпни кўрган, кўп синов ва қийинчиликларда тобланган мард ва танти, эртанги кунга катта ишонч билан қадам қўяётган баррикенг халқимиз, тобора қучга тўлиб бораётган, биз бошлаган ишларнинг давомчилари бўлган ёшларимиз бор экан, қандай қийин бўлмасин, келажақ марра бизники, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган инсонларни яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, ҳаммангизга янги-янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишласин, ота-онаси, фарзандлари олдидан, ўз Ватани, келгуси авлодлар олдидан ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олиншини, қадр тоғларини кўра экан, мен ўйлайманки, бундай инсон ўзини албатта бахтли деб ҳис қилади, — деди Президентимиз. — Бугун сизларнинг кўзларингизга, чехрангизга боқиб, худдики ўзимни ҳам сизлар қатори мукофот олгандек сезмоқдам.

Менинг ниятим, эзгу тилагим битта: доимо эл-юрт адоғида бўлиш сизларга насиб этсин. Кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга янги қуч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин. Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин, деди пировардида Юртбошимиз.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Содиқжон Турдиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офталмология кафедраси профессори Холиджон Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Лилия Пак, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи Людмила Поливанова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонанда-си Алишер Турдиев, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, "Ўзбекгеофизика" очик акциядорлик жамиятининг "Устюрт геофизика экспедицияси" филиали геология бўлими бошлиғи Максет Реймов, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг биринчи ўринбосари Фаруҳ Зиябоев давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари бундан буён Ватан тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнати янада юқори сурат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янгидан-янги марраларни эгалашга илҳомлантиришини таъкидлади, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

## ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

**Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаббускор ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллиги катта шоду хушамлик билан нишонланаётган шу кунларда мазкур мукофотлар ўз аъгаларига тантанали равишда топширилмоқда.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган шундай тадбирга пойтахт фаоллари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ижтимоий-иқтисодий жабҳалар, қурилиш, транспорт, саноат, ободонаштириш соҳаси вакиллари таклиф этилди.

Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига Тошкент шаҳри муҳим ўрин тутди. 2012 йилда ҳам пойтахтимизда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшувчи янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари, қўшма корхоналар ишга туширилди. Болалар ижодиёти марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, маҳалла гузарлари оилалар фаровонлигини таъминлаш, баркамол авлодни воёга етказиш, халқимиз саломатлигини асрашга хизмат қилмоқда.

Истиқлол айёмининг 21 йиллиги арафасида бу ерда академик В.Воиходов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиохарроҳлик мажмуаси қад ростлагани халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, миллат генофондини янада соғломлаштириш, сифатли, юқори малакали, тезкор тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги эзгу ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, истеъдодли спортчиларни воёга етказиш мақсадида муқташам "Бунёдкор" стадионининг миллий ҳаёт тарзидан эътиборан янги талабларга жавоб берадиган болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди.

Бу сингари улкан ишларни амалга оширишда ҳамюртларимиз фидойилик намунасини намоён этмоқда. Тадбирда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини

юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳамюртларимизга фахрли унвонлар, орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, хотин-қизларни эъзозлаш, уларга меҳр-эътибор кўрсатиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг бош шифокори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Гулираёно Усмонова. — Камтарона меҳнатимнинг бундай юксак қадрлангани тизимдаги барча ҳамкасбларим, жамоамизга билдирилган ишонч демекдир. Бу ишончга муносиб бўлиш, яратилган барча шароит ва имкониятларнинг қадрига етиш бизнинг бурчимиздир.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

\*\*\*

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий аъналаримизнинг бардавонлигини таъминлаш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шу да муқташам "Бунёдкор" стадионининг миллий ҳаёт тарзидан эътиборан янги талабларга жавоб берадиган болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди.

Бу йўналишдаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ижодкор зиёлилар, миллий адабиётимиз, илм-

фан, соғлиқни сақлаш тизими фидойилари, санъат ва маданият, оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Уларни бадий жиҳатдан юксак, эзгу ғояларга даъват этувчи асарлар яратишга руҳлантириш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ёзувчи ва шoirлар, драматурглар, олимлар, тадқиқотчилар, режиссёрлар, актёрлар, мусаввирлар, санъаткорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожидан давлатимизнинг доимий эътиборида экани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозалари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун қўрқам биноларнинг барпо этилаётгани, республика ва халқаро миқёсда турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

— Бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онги, уларнинг бадий диди, эстетик тарбияси, дунёқарashi, маънавияти, ахлоқи учун масъулият асосан биз — ижодкорларнинг зиммасида, — дейди Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Турғун Бекназаров. — Давлатимиз томонидан ижодкор зиёлиларнинг бу шарафли вазифани муносиб адо этиши йўлида зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Билдирилган бундай юксак ишончга, кўрсатилган меҳр ва эътиборга муносиб бўлиш бурчимиздир.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА

Бу йилги куз саховатли келди. Ноябрь адоғида ҳам қўқда қўёш чарақлаб турди. Кутлмаганда совуқ тушиб, деҳқону борбонни шошириб қўймади. Кузги йиғим-терим рисоладагидай ўтди. Ҳосилдан бўшаган, шудгорлаб қўйилган ерлар, бор-роғлар қиш уйқусини бошлаб юборишди. Бугедай далаларини қоплаган қўм-қўқ ниҳолларнинг нимжон идизлари ер тафтидан қуч олиб, келаси йил ҳосили ғамида аста патак ёзишмоқда. Ҳалол меҳнатдан келган даромад ҳисобига ўғил уйлаётган, қиз узатаётган оилаларнинг дарвозаларидан таралаётган қарнай-сурнай овозлари икки-уч гузар наридан ҳам эшитилади. Маҳалла тўйхоналарида эзгу ниятлар изҳор этилади, кексалар ёшларни дуо қилишади, бувижонлар "Борган жойингда туп қўйиб, палак ёзгин, ортингга қайтмагин", дея қиз набираларининг пешонасидан ўпишади.

Кузда ҳамма нарса сарҳисоб қилинади. Ютуқлар билан бирга мавсум давомида йўл қўйилган камчиликлар таҳлилдан ўтади, ҳосил қўғига қараб, далаларни қўшимча озиклантириш, қишки аҳоб сувига қондириш, шўр ювиш ишлари бошланади.

Мамлакатимиз Конституциясининг йигирма йиллиги муносабати билан ижодий учрашувлар ўтказиш учун вилоятларда бўлар эканмиз, ҳали чарчоғи ёзилмаган бободоҳ-қонларнинг келаси йил ҳосили учун куйди-пишди бўлиб юришиганига гувоҳ бўламиз. Асл деҳқон чарчоғини уйда, болишни ўро-виға тортиб эмас, қадрдон даласида ёзади. Ер билан тиллашади, сирлашади, даррлашади. Ариқларда шилдираб оқаётган сувга қараб, осмонга халқа солиб учаётган турналарга боқиб, шудгорга ёнбошлаб режа тутади, кеча ўйлаган ўйини янада пухталайди. Тадбиркорликка йўл берилгани, истеъдодли, укувли, ишининг қўзини биладиган одамлар учун талай имтиёзлар жорий этилгани кўпларни ҳаракатга қўлиб юборди. "Ғойибдан келажақ бахт — бир афсона" эканини тушунганлар яхши ният билан ғайрат отига минишди. Марғилонда, Олтиариқда, Риштон Бағдодда, вилоятнинг бошқа шаҳар, туманларида ҳам бундай "чавандоз"ларни кўпалаб учратдик. "Эл фикрлай бошлади, фикрининг оёғига солинган тушовлар олиб ташланди-да, — дейди биз билан суҳбатда Марғилон шаҳридаги "Оролбўйи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳкам Аҳоров. — Ана энди қарасангиз, ишлаган одамнинг пешонаси ярқираб, қозони миллиллаб, дастурхони тўкин, гап-сўзи бутун бўлиб турибди. Хирмонига қўз ташласанг, дўппинг бошингдан тушай дейди, шундай бўлгандан кейин бола-чақасига уй қуради, тўй қилади, маҳаллага қарашади, қариндош-уруғга му-

рувват кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси мустақилликнинг шарофатидан. Ҳалол ишлаб топясанми, қандингни ур, биров бир нима демайди. Деҳқонга ер берган Президентимизнинг ўзлари ишбилармонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди".

Шаҳарда фаолият юритаётган банк қоллежи талабалари нотиқларини диққат билан тинглашади. Ҳаётимизнинг асосий қонуни ҳақидаги маърузалар ўз-ўзидан самийи давра суҳбатига айланиди. Чунки бу қонун боис юзага келган ҳуқуқ ва имкониятларни талабаларнинг ҳаётида, таълим-тарбия соҳасида эришаётган ютуқларида яққол кўриш мумкин. Бу ўқув юртини битирган кўплаб ёшлар Фарғона водийси вилоятларидаги турли корхоналарда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича фаолият юритмоқдалар. Коллеж битирувчиларидан бири Жаҳонгир Қодиров ўзининг дастлабки бизнес-режасини амалга ошириб, ёшлар учун мўлжалланган компьютер марказини очди. "Асакабанг"нинг шаҳар бўлими унга 10 миллион сўм миқдорида кредит ажратиб берди.

Иқтисодиёт коллежидан, шаҳардаги кўптармоқли марказий поликлиникада ўтказилган учрашувлар ҳам қизиқарли ўтди. Талабалар юртимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ишларни, ёшларнинг ўқиши, касб-хўнар эгаллаши учун яратилаётган имкониятларни фахр билан тилга олдилар, шифокорлар ҳар бир фуқаронинг мамлакатимизнинг Асосий қонунида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчи, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги

ислохотлар хусусида фикр юритдилар.

Олтиариқ туманидаги учрашувлар асосан маҳаллаларда бўлиб ўтди. Полосон шаҳарчаси ва Янгиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан бўлган суҳбатларимиз одамларнинг дунёқарашини, турмуш тарзида юз бераётган ўзгаришлар, янги баркамол авлод тарбиясига боғланди. Олтиариқликларнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги хусусида қўл ва ҳўб ёзилган. Ҳатто латифалар тўқилган. Улардан бирида айтилишича, олтиариқликлар муғлақо хуррак отишмас экан. Қўшни тумандан келган бир тадбиркор меҳмон полосонлик тадбиркор дўстининг уйда тунаб қолиб, ётиш олдидан меҳмоннинг набирасидан: "Бонгиз кечаси хуррак отадими?", деб сўраган экан, назира:

## КЎНГИЛ МУНАВВАР БЎЛДИ

— Йўқ, отмайдилар, сўритокнинг тағига яна бирорта экан экинни ўйлаб ётадилар, — деб жавоб берган эмиш.

Бу латифа ҳақиқатга анча яқин. Тиббиёт илмида, бу ёруғ дунёда юз йил умр кўриб, илму амалда донишмандлик макомига етган инсон ҳисмоний ва ақлий имкониятларининг атиги беш фоизидан фойдаланган бўлади, деган гап бор. Ҳар гал Олтиариққа келган киши, албатта, муҳим бир янгилликка, деҳқонларга, боғбонларга тааллуқли қўлбола "ихтиро"га дуч келади. Олтиариқда ишбилармонлик, Марғилон ва Риштонда маҳаллий саноат, хунармандчиликнинг ривожланиши ёшларни касбга йўналтириш, бандлик муаммосини ҳал этишда, бекорчилик, ишқасосликдан қелиб чиқадиган турли номаъқулчиликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, шаҳар ва туман ҳокимликларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, маънавиятчилар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Нотиқлар уларга халқимиз ўз мустақиллигини қандай қўлга киритгани, бу улуг неъматни қандай мустаҳкамлаганимиз, бу йўлда қўллаб қийинчилик ва муаммоларга дуч келганимиз, аммо танлаган йўлимиздан қайтмай, шу қисқа вақт ичида дунёнинг истикболли давлатларидан бирига айлангани-

мизни Президент Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас қуч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарларида, нутқ ва маърузаларида

### Ёзувчилар уюшмаси йўлнамаси билан

баён қилинган жонли, таъсирчан мисоллар ёрдамида тушунтириб бердилар.

— Ҳар бир ёш ўзига хос олам, — дейди республика маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раҳбари Дилноза Эргашева, — улар билан суҳбатда ёшларнинг орзу-истакларини эътибор билан тинглаш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишларига имкон бериш, ёшларга ишонч қўзи билан қараш катта аҳамиятга эга. Тенгдошлари ҳаётида учраб турадиган айрим нуқсонларни ёшларнинг ўзи муҳокама қилиши кўпроқ самара беради, деб ўйлайман.

Кейинги йилларда водийда мамлакатимиз шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарга чиқиш, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиш, биргаликда назму наво кечалари, адабий-бадийи учрашувлар, янги асарларнинг тақдимотларини ўтказиш, устоз адибларни хотирлаш, ёш қаламкашларга маҳорат дарсларини ўтиш яхши аънава тусини олмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, маҳаллий ҳокимликлар, ижодий уюшмалар ҳамкорлигида ўтказилаётган бундай тадбирлар қутилганидан-да зиёда натижа бераётгани аниқ. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими бир гуруҳ ижодкорларнинг Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятларида ижодий сафарни ташкил этди. Улар шоир ва ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун яратилган имкониятлар, ҳамкасбларининг иш шароитлари билан танишиб қайтдилар. Фарғона, Андижон, Наманганда ўтказилаётган турли тадбирларда водийлик қаламкашлар ёнма-ён ўтириб, ижодий режаларини биргаликда муҳокама этишмоқда. Ушбу вилоятларда адабиёт майдонида умид билан кириб келаётган ёш қаламкашларнинг дастлабки шеърий, насрий тўпламлари мунтазам чоп этилаётди.

Марғилонда, мана, бир неча йилдирки, танкили шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлигида Жаҳон отин Увайсий номидаги адабий тўғрак фаолият олиб боради. Ушбу тўғарада

тахсил олган Дилфуза Содиқова, Наргиза Оқунова, Нилуфар Абдуғаниева ва Дилнавоз Қўлдошева Зулфия номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлди. Бошқа ижодкор ёшлар республика танловларида муваффақиятли иштирок этишди. Тўғарак қатнашчиларининг энг яхши ижод намуналари

"Марғилон гулшани" шеърий гулдастасида эълон қилинди.

Сафарни яқунлаб, Қамчиқ довоини орқали пойтахтга қайтар эканман, йўл-йўлакай Алишер Ибодиновнинг "Мовароуннахр" наشريёти тандирдан янги узилган "Макайлик бир сулола" рисоласини ўқиб келдим. Муболағасиз айтишнинг мумкин — бу мўъжаз рисолада баъзи ёстиқни хурхитадиган китоблардан топмаган илм, тафаккур ғавҳарларини топдим. Бобом ундай бўлган, отам бундай ўтган дея, қуруқ гурурланмай, такаббурилик қилмай, бутун умрини эзгу амалларга, дину диёнатга, одоб-ахлоққа, она-юрт, Ватан саодатига бағишлаб, ер, эл билан тиллашиб келаётган бир оила фарзандларининг ибратли ҳаёт йўлига, бахтли тақдирга ҳавасмин келди. "Марғилон ҳақиқати" газетасида чоп этилган, бу ёруғ оламни эрта тарк этган шоира Озода Тезобоеванинг "Мустақиллик қасидаси" кўнглимни янада ёруғ этди:

Унутди ғамини эл эмди,  
саодат жовидон келди,  
Кетиб ғафлат букун дилдан ки  
фаррухи замон келди.  
Фалакнинг чархи айланди,  
замин узра феруз осмон,  
Сомон рангли юзим алвон,  
ғуборли юзга қон келди...

Ҳар гал вилоят сафарларида бўлганимизда, ижодкор дўстларимизнинг янги китоблари, янги-янги нашрлар билан қўйин-қўнжизимни тўлдириб қайтамиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўз номига монанд шаддам ва ўқтам қадам ташлашга, водий шухратини янада баланд тутишга чоғланаётган, эртанги ёруғ кунларнинг пишқиқ-пухта режасини тутаётган қалби очик, дастурхони тўкин, меҳмон қутиб чарнамаётган донишманд Фарғонада ижодкорлик, бунёкорлик, яратувчанлик кайфияти устувор, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам эканига чин дилдан амин бўлдик. Кўнгилда туғилган мунавварлик қорли либосга бурканган азим тоғ қўйларидан ошиб, фалаклар сари учмоққа шаъланаётгандай эди.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Болаларга китоб ёзмоқ учун болаликка қайтиб бормоқ керак. Бошлаган китобингга охириги нугта кўйгунингча бола бўлиб яшашнинг зарур. Болалик орзулари бир нугтада турмайди. Ҳар дақиқада ўзгаради. Бир кунги милиционер бўлгинг келса, эрта-сига учувчи бўлгинг келди. Кўнглига тиккан бу ниятларнинг сал фурсатдан кейин ўзгаради бирдан шпирон тутадиган аскар бўлгинг келиб қолади. Полвон бўлиб ҳаммани қойил қолдир-гинг, масхарабоз бўлиб циркда юзлаб одамни қулдиргинг, ўрмон-лару тўғайларда йўлбарс ов терисини шилиб келгинг, сенга икки кўнган ўқитувчининг лол қолдиргинг келади.

Афсуслар бўлсинки, мен мана шундай бегубор болалигимни йўқотганман. Болалигим давр тўлқинларида кирғоқларга урилиб ўтиб кетган. Қулоқларни фож килиш, уларни тугилиб ўсган еридан қувиш, қишлоқларни коллектив-лаштириш, хотин-қизлар бошидан паранжисини тортиб олиб, ўт қўйиш биз болаларнинг «сиёсий» ва-зифамиз бўлиб қолганди...

Уша йилларда яратилган адабий асарлар орасидан биронта болаларга бағиш-ланган дурустроқ асар то-полмадим. Биргина Фафур Фуломнинг «Шум бола»си нурсиз китоблар орасида ярқираб турибди. Бунга са-баб, қиссада соф болалик ҳаёти акс этган эди. Ер қуррасининг у томонида Том Соьер, бу томонида давр сиёса-тини, партия қаҳриқларини тан ол-маган «Шум бола» дунёга келган экан.

Адабиётимизда болалар ҳаётидан ёзилган ҳикояларни инкор қилмаймиз. Аммо улар партия қаҳриқларига жа-вобан ёзилган «қизил» ҳикоялар эди. «Саёр қилсанг гўрадин ҳовло пи-шур» деганларидек эллигинчи йил-ларнинг охирига келиб болаларимиз бахтига Худойберди Тўхтабоев деган истеъдодли бир ёзувчи адабиётимиз эътиборини очиб кирди. Болалар ада-биётига, албатта, шундай бир ёзув-чи келади, деб интиқилиб билан кут-ган эдик. Унинг биринчи ҳикоялари-данок болалар оламини яхши бил-гани, улар психологиясини, ўй-хаёл-ларини, фавқулодда ифодадорга бой бийрон тилини, қилиқларини, ҳулласи символдек бекарор ҳаётини синч-ковлик билан ўрганган, ўзи ҳам бо-ладек ҳар нарсасга қизиқадиган ме-хнаткаш ёзувчи сафимизга келгани-дан қувондик.

Худойберди диниқиб қолган болалар адабиётига мусофиро ҳаво олиб киргандек бўлди. Унинг «Сариқ девни миниб» деган туркум қиссаларига дебона бўлган «Сехри қалпоқча» қиссаси катта шов-шувга сабаб бўлди. У тез кунда болалари-

мизнинг қўлдан қўймай, севиб ўқий-диган китоби бўлиб қолди. «Сариқ девни миниб» деган қиссалар турку-ми оз фурсатда дунёнинг 22 мамла-катада 22 тилда жуда кўп нусхаларда нашр қилинди. Кейинги маълумотларга қараганда ҳамон қайта-қайта боси-ляпти. Биргина Германи-яда беш юз минг нусхада босилган синчовинг не-мис китобхоналарига қис-санинг қанчалик манзур бўлганига гувоҳлик бериб турибди. Украина билан Россияда босилган нус-халари миллиондан ҳам ошиб кетди. Яхши китоб ўзига ўзи йўл топади.

Қулогидан чўзиб, бўйни-дан ип боғлаб адабиётга олиб кирил-ган китоблар аллақачон аравадан ту-шиб қолган.

Машҳур адиб Марк Твен туғилган кун Американинг Миссури штатида Том Соьер яшаган ҳовлининг тахта деворини оқлаш маросими бўлиши-ни кўпчилики билмас керак. Болалар бу маросимни тантанали бир вазият-да нишонлашади. Девор оқлаш мусо-бақасини ўтказишади. Мусобақа қилинганга Марк Твен китоблари соврин сифатида топширилади. Ху-дойбердининг бу ажойиб қиссаси Чип-полини ватани Италияда икки бор нашр қилинган хажонга буюк ёзув-чиларни берган Италия халқи, синч-ков китобхоналари назарига тушгани Худойбердининг бахти эди. Англияда, Францияда китоб қадрига етганидан зукко китобхоналарга манзур бўлган бу асар бутун ўзбек адабиётининг обрўси эканини тан олишимиз керак.

Нима бўлди-ю, олтининчи йил-ларга келиб Худойберди ёзишдан бир мунча тўхтаб қолгандек бўлди. Қиссалар ёзмай қўйди. Унинг фе-летончилика урди. Республика газе-тарларида қунора фелетонлари боси-ладиган бўлиб қолди. Мен бу болага меҳр қўйган эдим. Ундан янги-янги қиссалар кутардим. Аммо у фелетон ёзишдан бўшамади. Бу орада бола-

## Қаёб ва қиёфа

лар адабиётидан бир қадар файз кета бошлаганига ўхшарди. Уни қидириб редакцияга бордим, попирос тутатиб аллақандай суд ҳукмлари, милиция тузган актларга кўмилиб фелетон ёзаётган экан. Худойберди мени ус-тоз деб қўл берган, ёзганларини на-заримдан ўтказиб турадиган шогирд эди. Кейинги икки йилда негадир мендан ўзини олиб қочадиган, учра-шиб қолган пайтларимизда қандай-дир бир гуноҳ иш қилиб қўйган бола-

Саид АХМАД, Ўзбекистон Қахрамони, Халқ ёзувчиси

## ИСТЕЪДОДНИНГ ОЛМОС ҚИРРАСИ

дек кўзини яширишга жой тополмай қоларди. Бу ҳолат менга жуда таниш. Чунки мен ҳам устоз Абдулла Қаҳҳор олдида худди шундай аҳволга туш-гандим. Бу воқеа бир умр эсимдан чиқмайдиган сабоқ бўлган эди.

Минг тўққиз юз қирқ олти, қирқ е-тинчи йилларда ҳикоя ёзишни таш-лаб, фелетон ёзишга берилиб кетган-дим... Ўзимга ўзим «ҳикоя ёзиб вақ-тимини ўтказиб юрган эканман, фе-летончилик ғирт маза экан», деб ўзимдан кетган пайтларим эди. Ана шундай учиб-қувиб юрган пайтларим-да редакцияга Абдулла Қаҳҳор келиб қолди. Ҳе йўқ, бе йўқ, «Ёзувчилар со-юзидан чиқишга ариза ёзиб берасиз-ми ё ўзимиз ўчириб юбораверайлик-ми?», деб қолди. Нима учун бунақа деяётганига тушунмай ҳайрон бўлиб қолдим. Нима учун ариза ёзиб бери-шим керак? Тилимга гап келмай чай-налиб қолдим.

— Нега унақа деяпсиз, домла? — дедим қўрқа-писа.

— Союз аъзоларининг ҳаммаси асар ёзишгапти. Уч йилдан бери бир-онта ҳикоянгизни ўқимадим. Демак, сиз ёзувчиликни ташлагандиз. Ундай бўлса союзнинг бўшатиб қўйиш керак. — Фелетонларимиз ўқимапсизми? — Фелетон адабиётга эмас, журна-листикага қиради.

— Икки ойча бўлди битта ҳикоям босилганди. Ўқимапсизми?

— Ўқиганман, — деди домла. — Ҳикоянгиздан қамқовчаннинг ҳиди келяпти. Фелетон ёзавериш одамлар-дан фазилат эмас, нуқсон қидирадиган бўлиб қолибсиз. Адабиёт ўқувчи қалбига нур олиб қиради. Ғузалик,

одамийлик, раҳм-шафқат, ҳаётга, одамларга муҳаббат туйғуларини уй-ғотди. Сиз эса одамларда фақат ёмонликни, ёвузликни кўряпсиз. Ат-ганг, аттанг, сиздан қанчадан-қанча умидларимиз бор эди.

Абдулла Қаҳҳор бошқа гап айтма-ди. Хайр ҳам демай чиқиб кетди. Ўти-рган жойимда бир замбар лой бўлиб қолавердим. Бу гап, бу хил муомала жон-жонимдан ўтиб кетди. Фелетон-чиликни мутлақо ташлаб юбордим. Мана, эллик беш йил бўлдики домла айтган гапларнинг захри танамдан кетмайди. Шу эллик беш йил давоми-

да атига учта фелетон ёзибман. Очи-гини айтсам ҳикоядан анча қўлим чар-чаб қолган экан. Ўзимни ўнглаб олгу-нимча анча қийин бўлди.

Шу топда ёшлигим, фелетон «қироли» пайтимга рўбарў келиб ўти-рибман. Худойберди менинг ёшли-гим эди, мен қилган ҳатоларни ай-нан такрорлаб турган пайти эди. Унда жиндек ҳаво пайдо бўлган, гуру-ри ҳам анчагина баланда эди.

— Аҳволлар қалай укам? — дедим нимадан гап бошлашимни билмай. У стол тормасидан ўнчача бир хил ёрлиқ-ларни, дастурмолга тугилган қўзичоқ-нинг илигидек бир нарсани аллақан-дай мақтаниб билан столга қўйди.

— Биласизми, бу нима? Бу кумуш хуштак.

У шундай дея туриб рўмолчани ечиб, ичидан чиндан ҳам кумуш хуш-так олиб менга узатди.

— Бунини ички ишлар ходимлари тўғрисида ёзилган энг яхши матери-ал учун мукофотлашган. Чалиб кўринг, битта пуфлаб кўринг, овози ҳам бошқача.

Худойберди бир вақтлар яхши ёзувчи бўлишни орзу қилган, ёзган-чизганлари эртага яхши ёзувчи бўлишга қафолат берадиган таланти-ни битта кумуш хуштакка алмашти-ришга тайёр турган ва лекин ҳали данаги қотмаган, ўз истиқболига бе-фарқор, ўн қучошида қайсика бори-шини билмай ҳайрон турган «ёзувчи» эди. Унга қанча тушунтирма, қанча на-сиҳат қилма ҳамма гаплардан кумуш хуштак афзалдек эди. Уни адабиётга қандай қайтариш мумкинлигини ўйлаб ўйимга етолмадим. Бу йўлдан

қайтаришнинг бирдан-бир йўли Аб-дулла Қаҳҳор услуби эди. Худойбер-ди жуда одоли, маданиятли, майин йигит. Дилини оғритгим келмади. Менда Қаҳҳор домланинг қаҳри йўқ. Боятдан бери унинг жон-жонидан ўтиб кетадиган гапларни ўйлаб ўти-рган эдим. Айтишга тилим бормади. Узундан узоқ лекция бошладим.

— Газета бир кунлик ахборот воси-таси. Эртасига унинг ўрнига бошқа газета чиқади. Демак, сен ёзган фе-летон ҳам бир кунда ўтмишга айлана-ди. Биласанми, мен икки юздан ортқ фелетон ёзганман. Қани улар? Ҳам-манинг ёдидан чиқиб кетди. Фақат фе-летонда урилган, журналистлар тили билан айтганда фож қилинган одам-лар хотирасидагина қолган. Бадиий асар бутунлай бошқа гап. Юз йиллаб, минг йиллаб яшайверади. Бу гапларим билан фелетонни ёмон демоқчи эмас-ман. Жамиятнинг поклаш учун унинг аҳамияти катта. Аммо ҳар соҳанинг ўз мутахассиси бўлиши керак. Ҳаётга мафтун, инсонлардан гўзал фазилат-лар қидириш ҳам мумкин. Ҳа, деб ўғриллар, порохўрлар, пиёнистлар, хо-тинбозлар тўғрисида ёзаверсанг яхши одамлар ҳам кўзинга шубҳали кўри-надиган бўлиб қолади.

Ҳали узоқ гапирмоқчи эдим, гап-ларимнинг даромадини сезган Ху-дойберди безовталаниб қолди...

— Тушундим, домла. Нима демоқ-чилигингизни тушундим. Фелетон ёзавериш, ҳикоядан қўлим чиқиб ке-тибди. Бир ҳикоя бошлаган эдим, сира тугатолмаяпман. Фелетонга ўхшаб қоляпти.

— Тушунган одамга тушунтириб ўтиришнинг кераги йўқ. Энди бўёғи ўзинигизга ҳавола.

Ўртаимизда бошқа гап бўлмади. Совуқгина хайрлашиб чиқиб кетдим... Орадан бирон йил ўтиб, унинг Фаргона кишиларига бағишланган очерклар туркуми эълон қилинди. Унда «Конизар» кишлоғининг ажойиб кишилари ниҳоятда самимий бир қайғида тасвирланган эди. Мен Конизар кишлоғига икки-уч марта борганман, содда, самимий боғбон-лар, деҳқонлар қанчалик самимий ёзилгани менга аён эди.

1965 йилда бошланган олти қисса-дан иборат «Сариқ девни миниб» ро-мани 1972 йилда яқун топди. Худойбер-ди бу асар устида етти йил тер тўкиб меҳнат қилди. 1975 йилда эса «Беш бо-лаи йигитча» қиссасини ёзиб тугатди...

1981 йили «Қасоскорнинг олтин боши» номи билан ниҳоятда ўқишли

бир роман дунёга келди. Кўп вақт ўтмай, «Ўзбекфилм» ижодкорлари ро-ман асосида бадиий филм яратдилар. Худойберди ўзини ижодга урди. Йи-лора биттадан роман ё кисса ёзар, ёзганлари эса нашриётларда туриб қолмасди. Нашриётлар Худойберди бу йил қанчоқ роман олиб келаркин, деб кутадиган бўлиб қолди. Худойберди эса уларни кўп куттирмасди. Нашриёт-га, албатта, қуруқ келмасди, қўлтигида янги романнинг қўлзмаси билан ки-риб келарди.

1983 йили «Йиллар ва излар» қис-сасини олиб кирган бўлса, 1985 йили «Ширин қовунлар мамлакатини» ро-манини олиб келди. 1987 йили нашри-ётга «Мунгли кўзлар» романини топ-ширган бўлса, 1995 йили «Жаннати одамлар» романини топширди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг ро-манлари бир йил, икки йил ичида бо-шқа тилларга таржима қилиниб, қардош халқлар болаларига ҳам севилими ки-тоб бўлиб қолади. Кейинги ўн беш йил давомида мамлакатда туризмнинг ри-вожланиши бошқа мамлакатлар ҳаёти билан танишишимизга катта имкон яратди. Олимлар, ёзувчилар, журна-листлар, албатта, борган мамлакатлари-даги китоб дўконларига қирадилар. Жаҳон адабиётининг нодир асарлари-ни харид қиладилар. Ана шундай саё-хатларга борган ёзувчи дўстларим, ал-батта, Худойбердининг романини Рим-даги катта магазинда «Чипполино», «Пинакхио» китоблари қаторида соти-лаётганини айтидилар. Ёки Германи-яда «Сариқ девни миниб» романи «Гул-ливер», «Мюнхгаузен» китоблари қато-рида сотилаётганини айтидилар. Бу, албатта, ўзбек адабиётининг чет эллар-да ҳам машҳур бўла бошлаганидан да-рак беради.

Худойберди Тўхтабоев бугунги кунда ўзбек болалар адабиётининг за-бардаст вакилига айланди. Уни мам-лакатимиздаги жамики китобсевар болалар яхши билишади. Уни катта-кичикка баробар манзур бўлган кито-бларини қўлдан қўймай ўқийдилар. Худойберди болалар адабиётининг-гина эмас, катталар адабиётининг ҳам ривожига қўшган катта ҳиссаси учун «Халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлди. Давлат мукофоти билан тақ-дирланди...

Унинг ҳозир авжи қучга тўлган пай-ти, у қанчадан-қанча ижодий режалар билан яшаётган истеъдодли шахс, гап ёзувчидир. Қўзичоқнинг илик суя-ғидек кичкинагина кумуш хуштак энди Худойбердига ижодининг бошлиниш давридан бир эсдалик бўлиб қолди.

2000 йил 19 январ

## УМР БАРДАВОМЛИГИ

Ўзбек адабиёт илми ўзининг бой тажрибаси ва атоқли намо-яндаларига эга. Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Абдуқодир Хай-итметов, Матёкуб Қўшонов, Озод Шарафиддинов сингари

маърифий соҳаларига оид масала-лар тадқиқига бағишланган тадқи-қотлари, мақолалари жамланган. Китобнинг аввалида сўзбо-ши ўрнида берилган Ўзбекис-тон Қахрамони, атоқли адаби-ётшунос Озод Шара-фиддинов «Сўнгги жаҳид» қиссаси» сарлав-хали мақоласида Б.Қосимовнинг олим ва инсон сифатидаги фазилатларини, адабиёт илмига қўшган ҳиссаси-ни ўзига хос ҳаётий лаваҳларда кўрсатган.

«Ҳикоянинг миллат маъ-рифати» китоби «Ватан адабиёти» истилоҳини олиб кир-ган олимнинг ўтган йили «Маъна-вия» нашриётида «Ҳикоянинг мил-лат маърифати» номи китоби (тўловчилар: С.Ахмедов, Р.Қўчо-ров; масъул муҳаррир Р.Қўчоров) чоп этилди. Мақсуд тўпламда Беғали Қосимовнинг турли йил-ларда ёзган, халқимиз ҳаётининг ижтимоий, маданий, маънавий-

муомалага киритгунча қанчалар заҳмат чекиб изланганини тасав-вур қилиш қийин эмас.

Атоқли олим Б.Қосимовнинг «Ҳикоянинг миллат маърифати» китоби унинг мисқоллаб йиққан қўтлуғ мерос намуналари, ва-танпарвар ажодларининг жасорати ҳақидаги чуқур илмий

### Тақриз

муфракларнинг асослангани билан ҳам бугунги кунда Ватан ва халқ, маънавият ва маърифат тушун-чаларини англашда муҳим омил, ёш авлод тарбиясида таъ-сирчан манба вазиғасини ўтай-ди, деб ўйлаймиз.

Зотан, маърифат зиёсидан халқни баҳраманд этиш йўли-да ўзларини фидо этган ўзбек эътилоли ҳаёти ва ижодини ёритишни ҳаётининг мазмунига айлантирган олимнинг ушбу китоби ёруғликка йўрилган умрининг бардавомлигини кўрсатиб турибди.

Дилафрўз ЖАББОРОВА,  
Тошкент давлат педагогика  
университети тадқиқотчиси

## «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2012 йил, ноябрь ойи сони

Анъанавий «Новой сабоқлари» саҳифа-сида улуг шoirнинг «Ваҳи, ҳар соат бўлур-мен василидин еткан навид...» мисраси билан бошланадиган газали ва ушбу газал-нинг Т.Спендиарова таржимасидаги рус-ча намунаси берилган. Газалининг мавзу-мотивини, русча таржимаси ютуқларини навоийшунс Кодирижон Эргашев таҳлил этиб берган.

Наср илҳомландлари журналнинг ушбу сонида АҚШ адабиётининг йирик намоян-далари Ирвинг Стюнинг «Ҳаётга ташна-лик» романини (рус тилидан Рустам Жаб-боров ва Мунира Норова таржимаси) ҳамда Жек Лондоннинг «Интиҳо» ва «Тун фарзан-ди» ҳикояларини (русчадан Саиджалоил Саидмуродов таржимаси) ўқийдилар. Уму-ман, ушбу сонда АҚШ адабиётига кенг ўрин берилган. АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жорж Крол билан суҳбатда икки давлат халқларининг адабий-маърифий, маданий алоқалари ҳақида сўз юритилади.

Миразиз Ўзбек таржимасида берилган АҚШ мумтоз шеърияти намуналари ора-

сида Генри Лонгфелло, Эдгар По, Уолт Уитмен сингари атоқли шо-ирларнинг асарлари бор. Замона-вий АҚШ шеърлиги намуналари, хусусан, Жайне Кортес, Ивон Рейвс, Жене Доти каби шоирларнинг шеърла-рини инглиз тилидан Аъзам Обидов тар-жима қилган.

«Шеърнинг минтақалари» руқни-остида машҳур рус шоири Алек-сандр Блокнинг бир туркум шеър-лари Эркин Воҳидов, Шукрулло, Мавлон Икром, Жуманиёз Жаббо-ров ва Ойгул Суюндовлар таржи-маларида босилган. Татар халқ достони «Эдигей»дан берилган айрим парчаларни аслиятдан Хуршид Даврон ўғирган. Шунинг-дек, ушбу сонда Ҳусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» драмсининг давоми эълон қилинган.

Профессор Комилжон Жўраев ва тад-қиқотчи Мухайё Аҳмедованинг «Жойс сиритига қизилар» мақоласида ирланд адиби Жеймс Жойс ҳаёти ва фаоли-яти ҳақида сўз юритилиб, унинг «Нави-рон санъаткорининг сирати» романи таржимаси таҳлил этилган. Ёзувчининг



Журналларни varaқлағана

жамият олдидаги, ўз эътиқоди ва виж-дони олдидаги бурчи ҳамда масъуля-ти ҳақида баҳс юритилган шотланд ёзувчиси Роберт Стивенсоннинг «Адабиётнинг маънавий қиёфаси» (Рабно Иброҳимова таржимаси), Александр Мельченковнинг «Есе-нининг сирли ўлими» (Амир Фай-зулла таржимаси), Қиёмиддин Назаровнинг французиялик мутафаккир Вольтер, адабиётшунос олим Му-хаммадхон Холбековнинг навбат-даги Нобел мукофоти соҳиби хи-тоилки ёзувчи Мо Янь ҳаёти ва

ижоди ҳақидаги мақолалари журнал-нинг ушбу сони мундарижасини бойит-ган. Жаҳон адабиётининг унутилмас сиймо-лари Усмон Носир, Ф.Достоевский, И.Ту-генев, С.Цвейг, Ф.Кафка, Р.Гунтекин си-нгари адиблар, санъаткор ва машҳур му-савирлар ҳақидаги мақолалар ҳам ўқу-вчилар томонидан катта қизиқиш билан ўқилади.

Яқинда Фафур Фулом номи-даги нашриёт-матбаа ижодий уйи таниқли тилшунос олим, профессор Низомиддин Маҳму-довнинг «Тилимизнинг тилла сандиги» деб номланган ил-мий-маърифий мақолалар ва эсселар тўпламини чоп этди. Китоб мухтасар «Муқаддима» билан очилади. Муаллиф маъ-навиятнинг, хусусан, миллий маънавиятнинг шаклланиши ва

қоласида муаллиф 2006—2008 йилларда тилшунос олимлар-нинг заҳматли меҳнати туфай-ли майдонга келган беш жилдли «Ўзбек ти-лининг изоҳли луғати», унинг бошқа шу тилдаги луғат-лардан фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритади. «Тилшунос тақдирини» мақоласида эса ўзбек тилшунослиги ривожини йўлида беминнат хизмат қилган про-

## ЗАРОФАТНИ СЌЗ СЕҲРИ

камол топишида она тили му-ҳим ўрин тутшини, истиқлол даврида она тили таълими, тил масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, шу асосда мам-лакатимизда «Давлат тили ҳақида»ги қонунга мувофиқ одил ва холис тил сиёсати шакл-ланганини таъкидлайди. Дарҳа-қиқат, «Мустиқиллик даврида ўзимиз каби сўзимиз каби овоз бўлди, юртимиз каби тилимиз ҳам обод бўлди... Ўзбекистон мустиқил давлат сифатида ўзи-нинг овоз ва обод сўзи билан, бу сўзга монанд қўламли фао-лияти билан ўзлигини дунёга намойиш этмоқда». Асарда мам-лакатимизда бу жаҳада олиб борилаётган ишлар, она тили-мизнинг равнақи, бугуни ва эр-таси ҳақида тасвири ва жози-бали услубда фикр юритилади.

«Тилимизнинг тилла сан-диги» китоби тўрт қисмдан тар-киб топган. Ҳар бир қисмга ало-ҳида китобхон диққатини ўзига торттадиган сарлавҳалар қўйил-ган: «Аждоду авлодини аллала-ган тил», «Она тили битта бўла-ди», «Сўз шайхларининг мўжи-залари», «Нутқингиз қулоқни қийнамасин». Дастлабки қисм-дан «Оила, бола ва тил», «Гита-рада «Муножот»ни чалиб бўлмайди», «Ҳелоннинг «пўрим қалпоғи», «Ҳамонинг ерга ур-манг!», «Ёнадиган нок...» каби ижтимоий-публицистик эсселар ўрин олган. Ушбу қисмдаги «Ти-лимизнинг тилла сандиги» ма-

фессор Аюб Фуломовнинг серкир-хат илмий-педагогик фаолияти очиб берилган. Болаларнинг ижодий тафаккурини ўстириш-да она тили фавқулодда хал қилувчи омил эканлиги «Ёнаёт-ган нок...» эссесиде асосли да-лилллар ёрдамида тақли-тил этилган. «Ҳар қандай малака ва қўнимча бо-лалиқдан шаклланади. Айниқса, ижодий та-факкур малакасининг заминига айнан бола-лиқдан гишт қўйилмас экан, кейинги уриниш-лар асло самара бер-маслиғи тайин. Шунинг учун ҳам бу борада она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг зим-масидаги масъуляти бениҳоя улкан. Улар она тилини ўқитиш-ларини хилма-хил усул ва восита-ларини излаб топишлари, ти-нисиз изланишлари, болани тилда тил сехрли оламга таъйик билан эмас, балки унинг мурғак шууридаги мудроқ иштиёқни уйғотиб олиб киришлари зарур», деб ёзади олим.

Тўпламнинг иккинчи қисмида «Давлат тили ҳақида»ги қонун-ининг яратилиш жараёни конкрет далиллар ёрдамида ёритилади.

Шунингдек, китобда она тили тараққиётида четдан ўринли, мақсадга мувофиқ сўз қабул қилиш (институт, маркетинг, менеджер, брокер, бартер каби) жараёни, тил тараққиёти ва са-водхонлиқни оширишда ёзув

маданиятининг ўрни масаласи-га доир теран фикр-мулоҳаза-лар баён этилган илмий-омма-ли майдонга келган

### Китобангазона ўқаса

боп мақолалар ҳам жамланган.

Улуғ адибларимиз, устоз сўз санъаткорларининг тилга юксак даражадаги эътиборлари, улар-нинг асарлари тилидан олина-диган сабоқларга доир қўзатиш-лар ҳам мазкур тўпламнинг мазмун-мундарижасини бойитган. «Алпомиш» достони-да, Алишер Навоийнинг «Фар-ход ва Ширин» достонида, Абдул-ла Қодирийнинг «Утган қунарлар», «Меҳробдан чаён» романларида, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек асарларида тил воситаларидан ибратли фойда-ланиш маҳорати оригинал ми-лилар ёрдамида жози-билан услубда кўрсатиб берилган.

Китобнинг охириги қисмида муаллиф ма-даний нутқ, унга эри-шиш йўллари ҳақида сўз юритади. Энг му-ҳими, бу қисмда газе-та ва журналларда, ай-ниқса, «Хонадон»,

«Парвона», «Дилбарин», «Хордик», «7 мўъжиза» каби кўнгилочар газеталарда йўл қўйилаётган имловий, услубий нуқсонлар танқид қилинади. Бундай нуқсонлар ёшларда сўз сезгисини, нутқ маданиятини асрашга салбий таъсир кўр

Ҳаётнинг бардавомлиги, турмушнинг файзу фазилатида бахтли ва мустақкам оиланинг аҳамияти бениҳоят катта. Атрофимизда бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган мисоллар кўп. Сухбатдошимиз, таниқли актёр Баҳром Усмонов ана шундай тақдир эгаси. Турмуш ўртоғи Шоҳида Усмонова ҳам актриса. Ҳар иккаласи Ёш томошабинлар театрида ишлади. Баҳромни кўпчилик мухлислар Ўзбекистон телерадиоканали орқали мунтазам эфирга узатилиб бориладиган «Ўйла, изла, топ» телеўйини, «Тақдир йўллари», «Арвоҳ қаҳри» видеофилмлари, «Оқибат», «Сер-жантлар мактаби» номли сериаллар ва «Яратганга шукр», «Ярим бахт», «Ҳаёт ҳали олдинда», «Тубанлик» каби кинофилмлар орқали яхши танишади. Шоҳида эса бир қанча спектаклларда бош ролларни талқин этиш билан бирга, «Тақдир йўллари», «Арвоҳ қаҳри», «Оназор» видеофилмларида турли характердаги образларни яратган. Баҳром Усмонов билан суҳбатимиз орқали актёрнинг бошқаларга маълум бўлмаган қирраларини очишга ҳаракат қилдик.

— Турмуш ўртоғингиз билан ҳамкасб экансиз, бир театрда фаолият олиб бориш қулайми ёки ноўнғай томонлари ҳам борми?

— Шоҳида билан бир факултетда тахсил олганмиз. Турмуш қурилишига ота-оналаримиз қарши ҳам бўлишган. Очиғи, катта қийинчилик билан оила қурганимиз. Балки шу сабабли ҳам ораимиздаги муносабат мустақкам, ўзаро меҳр-оқибатимиз кучлидир. Бир театрда ишлашнинг яхши томонлари кўп, албатта. Спектакллар юзасидан фикрлашамиз, баъзан баҳс-лашамиз. Касбимизнинг оғир-енгил жиҳатларини яхши тушунамиз. Бирга-бирга ишлашнинг ноқулай томонига келсак, илгари иккимиз шунчаки ҳамкасб эдик. Кейинчалик театр раҳбарининг ўринбосари этиб тайинландим. Шунинг учун ҳам иш юзасидан баъзан аёлимга қаттиққўл бўлишимга тўғри келади. Иш жойида қўйиладиган талаблар бошқалар қатори унга ҳам тааллуқли.

Оиламизни суяб турган устун бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз. Шу тўғрисида турмушда учрайдиган майда-чуйда гапларга кўз юмиб кетамиз. Қолаверса, инсон улғайган сари фақат ўзини эмас, фарзандлари камолини ҳам ўйлаб яшай бошлайди. Уч фарзандимиз бор. Шулар изимиздан яхши-инсонлар бўлиб улғайсин, деймиз. Шу билан бирга, бир-биримизнинг кўнглимизни олишни ҳам унутмаймиз.

— Сизнингча, оила мустақкамлиги қандай омилларга боғлиқ?

— Оилани парваришланаётган гулга қиёслаш мумкин. Агар салгина безъетибор қолдирилса, сўлиб қолади. Инсон ҳам шундай. Оилада эр-хотин кечирими бўлса, аёл ўз ўрнини билса ва эркек киши бурч, вазифаларини тўлиқ англаб етса, бу муносабатлар узоқ йиллар бахтли ҳаётга гаров бўлади, деб ўйлайман. Мустақкам оилада улғайган фарзандлар камил бўлиб етишади. Ота-она болалари учун

Баҳром Усмонов:

## МУҲАББАТ — ОИЛА УСТУНИ

шундай муҳит яратиши керакки, улар ҳаётини ота-онасиз, ота-онасини эса бир-биридан айро тасаввур эта олмасин. Бола отаси ва онасининг бир-бирига беписанд эканига кўникса, келажакда ана шу

маган пайтларим ҳам бўлган. Балки ана шу асар келажакда актёр бўлишимга туртки бўлгандир. Эҳтилом, адабиёт, ижод оламига меҳри баланд онам Зиёда Усмонованинг мен-



«Захарли томчилар» спектаклидан лавҳа.

хлатини ўз турмушида тақдорлаши мумкин. Тарбияда ҳар бир жихатни кўздан қочирмаслик кераклигини ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Театрда болалар билан ишлаш жараёнида тушуниб етдим.

— Театр санъатининг бир қанча йўналишлари бор. Шулар орасидан айнан болалар театрини танлашингизнинг боиси нимада?

— Болалигимдан устоз санъаткорларимиз Ёкуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев каби актёр бўлишни орзу қилардим. Бўш вақтим бўлди дегунча телеэкран олдида мўка тушиб ўтириб олардим. У пайтлар телевидениеда ҳар кун «Театр» кўрсатувини намойиш этиларди. Ушбу дастурнинг бир-бирида сониини қолдирмасдим. Бир сафар Ўзбек драма театрида сахналаштирилган «Қора камар» спектакли намойиш этилди. Фарҳод Аминов бош қаҳрамон ролини ижро этди. Бола эмасманми, томошадаги баъзи сюжетлар мени кўркувга солди, эрталабгача ухлай ол-

даги қизиқишни ўз вақтида англаб, алоҳида эътибор билан қараганим, отам Абдуназар Усмоновнинг қўллаб-қувватлашлари қароримни қатъийлаштиргандир. Дастлаб Алишер Навоий номидаги Нафис санъат мактабиди, кейин Санъат институтиди ўқидим. Институтда Ёш томошабинлар театри бадиий раҳбари Олимжон Салимов ва педагог Ҳамид Махмудовдан илк сабоқларни олдим. Устозимиз Олимжон ака бизнинг курсимизни мана шу театрда олиб келди. Очиғи, мен айнан болалар театрида ишлайман, деган мақсадни олдимга қўймаганман. Бироқ бугун айнан Ёш томошабинлар театрида ишлаётганимдан мамнунман. Кўнглимда ҳеч қачон бошқа театрларга ўтиб ишлаш нияти туғилмаган.

— Айтинг-чи, Ёш томошабинлар — болалар кўнглидан жой олиш осонми ёки қийин?

— Болалар оламини англаш ва тушуниш мураккаб. Улар қалбидан жой олишининг бир-гина йўли — меҳр-муҳаббат.

Болалар танбеҳ берганингизда ҳам кўзларингизда меҳр балқиб турмаса, унга таъсир ўтказа олмайсиз. Шунинг учун бошқа йўналишдаги театр актёрларига нисбатан болалар театри актёри икки қарра кўп тер тўкиши, фидойи бўлиши зарур, деб ўйлайман. Болалар ўта сезгир. Ҳар бир ҳаракатинингизни ақл тарозисидан эмас, кўпроқ қалб чигиринидан ўткази-ди. Агар сахнада ҳамкасблар бир-биримизни тушунмасак, буни болакайлар дарров илғайди. Шу сабабли спектакл жараёнида бир-биримизни қўллаб-қувватлашга уринамиз. Умуман, ҳар бир актёр сахна-



дуч келганман. Баъзида болакайларнинг шовқин-сурони, қўлидаги нарсаларни сахнага отиб, ҳиссиётларини шу тахлит

ифода этиши тўғрисида спектаклни тўхтатишга мажбур бўлган вазиятлар ҳам бўлган. Томошабинларнинг аксарияти яширинча залга қўлида турли ичимликлар, ширинликлар билан кириб келади. Спектакл бошланиши билан «шиқир-шиқир», «тақир-туқир» овозлар эшитилиб туради. Бундай ҳолат актёр ижросига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Ёни актёрнинг фикри қалғиди, ижодий ҳолатидан бироз чекинади. Айни вазиятда ролимни қўйилмақом ижро этаётган, деб ўйлаган актёр ҳам хатога йўл қўйиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан Ёш томошабинларни зериктириши, спектакл ҳақидаги ҳулосаларига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Албатта, мухлисларимиз ёш. Шунинг учун мураббийлари, ота-оналари болаларни

### Учрашув

театрга олиб келишда тушунтириш олиб бориши, спектаклнинг бошидан охиригача диққат билан қўриш лозимлигини ўргатишлари керак. Ҳар бир спектакл замирида чуқур маъно яширинган бўлади. Шунинг учун сахна асарларига кўнгли-чолар концерт, шоу сифатида қараш мутлақо нотўғри. Ёш мухлисларга ана шу тарбияни бошидан сингдириб бориш ҳар биримизнинг бурчимиз.

— Режиссерингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Санъатдаги ўн тўрт йиллик фаолиятим давомида озми-кўпми ютуқларга эришдим, деса мухлислар мактовга йўйишмас, деб ўйлайман. Лекин ҳали орзу-умидларим кўп. Ниятим — ўн икки йилдан буён «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган «Ўйла, изла, топ» телеўйинида бошловчиликни бундан кейин ҳам давом эттириш. Сахнада ва экранда замонадошларимиз — бугунги кун одамлари қиёфасини, қалбимга яқин образларни яратишни орзу қиламан.

Сухбатдош

Назокат УМАРОВА

## ЖЕНИСБЕКНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

Ўзбек опера мактаби азалдан ўз анъаналари, ижодий салоҳияти билан машҳур бўлиб келган. Айниқса, истиқлол йилларида опера хонандаларимиз дунё сахналарини забт этишди. Қувонарли жиҳати, устоз санъаткорлар эришган ютуқларни эндиликда мустақиллик даврида улғайган Ёш истеъодлар янада мустақамлаб, эътироф қозонишмоқда. Ана шундай иқтидор эгалари орасида Женисбек Пиязов қўлга кири-таётган ютуқлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Мумтоз мусиқа мухлисларининг хабари бор, машҳур опера хонандаси Муслим Магомаев хотирасига бағишлаб вокал ижрочиларининг нуфузли халқаро танлови бўлиб ўтди. Дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрган икки юздан ортқ иштирокчилар орасида ўзбекистонлик опера устаси Ж.Пиязов ўз иқтидори билан мухлисларни ҳайратга солди. Ж.Пиязов танловнинг бош соврини — Гран-прига сазовор бўлди.

Албатта, бу воқеа юртимиздаги ҳар бир санъат мухлиси қалбидида ифтихор туйғусини уйғотди. Италия, Франция, Германия каби опера санъати юксак ривожланган мамлакатлардан ташриф буюрган қўллаб ёш ижрочилар орасида ўзбек опера мактаби тарбияланувчиси ғолибликни қўлга киритгани қувончли воқеа. Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ёш хонанда иштирокида ижодий учрашув ташкил этилди. Ноёб басс-баритон овоз соҳиби Ж.Пиязов мазкур санъат анжумани ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Халқаро миқёсда ўтказиладиган ҳар бир танлов опера хонандасидан ўзига хос тайёрликни талаб этади, — дейди Женисбек. — Буюк опера устаси Муслим Магомаев хотирасига бағишлаб ўтказилган танловда иштирок этганим мен учун катта маҳорат мактаби бўлди. Очиғини айтганда, дастлаб басс-баритон овозга эга эканимни эшитган ҳакамлар маҳоратимга бироз шубҳа билан қарашди. Аммо сахнадаги илк чиқишимдан сўнг, Москвадаги «Крокус-Сити Холл» залида мухлисларнинг олқиши бир дунё бўлди. Моцартнинг «Дон Жуан» операсидан партия қўйлаганимдан сўнг, танловга ҳакамлик қилаётган италийлик таниқли мутахассис ёнимга келиб: «Италияда неча йил операдан сабоқ олгансиз?» деб савол берди. Унга опе-



ра хонандалигининг барча сирларини Ўзбекистон давлат консерваториясида ўрганиганимни айтганимда ҳайратга тушди. Унинг таъкидлашича, қўйлаш услуби Италия опера мактаби анъаналарига хос экан.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, М.Магомаев танловдаги галаба Женисбек учун биринчи ютуқ эмас. У мусиқа соҳасидаги илк таълимини Нукус шаҳридаги санъат ва маданият мактабиди олди. Шу кунга қадар қўллаб халқаро ва республика миқёсидаги танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Жумладан, 2007 йили «Мумтоз ижрочилик йўналишида» «Ниҳол» мукофоти соҳибига айланган. 2009 йили XIII халқаро романс танловида биринчиликни қўлга киритган бўлса, 2010 йили Озарбойжон пойтахти Бокуда ўтказилган халқаро вокалчилар беллашувида «Алишер Навоий» операсидаги Хусайн Бойқаро арияси учун иккинчи ўринга лойиқ топилган. Айни пайтда Женисбек устозлари билан биргаликда ўз маҳоратини камолга етказиш учун изланмоқда. Дарвоқе, ёш хонанда Ирдандияда бўлиб ўтиши кутилаётган навбатдаги танловга аллақачон тайёргарлик қўришни бошлаб юборган.

Ўз муҳбиримиз.

## ДЎСТЛИК КОНЦЕРТИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 30 ноябрь кун «Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари»нинг қўшма концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ало-

ларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётган. Қозоғистонда ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда, халқ усталари унвормандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда қозоқ миллий-фольклор ансамбллари, «Ўзбекнаво» ёзувчилар уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. «Нурлы жол» газетаси чоп этилмоқда, телерадиоканаллар орқали махсус кўрсатув ва эштитиришлар берилмоқда. Ташкилот давлат педагогика университети ва Қорақалпоқ давлат университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган.

Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққизта ҳудудидидаги ўзбек маданияти марказлари томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари кунини» ўтказилади. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар ҳамда радиодуштинришлар Қозоғистондаги ўзбекларнинг миллий аянана ва урф-одатларини ривожлантиришга хизмат қилаётган.

Қозоғистонлик санъаткорлар ҳар йили йилда Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий қатнашчиларидир.

Концертда ўзбек ва қозоқ санъат намояндалари томонидан икки халқнинг мумтоз наволари, замонавий мусиқа ва рақслар ижро этилди.

ЎЗА

Замонавий ўзбек мусиқа маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган санъаткорлар орасида Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, атоқли композитор Сайфи Жалилнинг алоҳида ўрни бор. Миллий мусиқа асосида ёзилган «Тошкент манзаралари» симфоник сюита-си, скрипка ва симфоник оркестр учун концерти, «Самарқанднома» номли биринчи

ХОТИРА КЕЧАСИ

симфонияси, иккинчи симфония ва камер симфониялари санъат ихлосмандлари орасида шухрат қозongan.

С.Жалил ўзбек композиторлари ичида биринчилардан бўлиб орган учун пиесада ёзди. Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб фортепиано учун саккиз қисмли миниатюра басталади. Унинг, айниқса, театрлар билан ҳамкорлиги сермахсул бўлди. «Қалам қошгимиз», «Тўлини ой», «Навоий Астрообода», «Анвар ва Раъно», «Юлдузлар жамоли», «Захарли ҳаёт» мусиқали драма-лари ҳамда «Зебуннисо» ва «Малика айёр» операларига ёзган мусиқалари бунинг ёрқин далилидир. Устоз санъаткор ўзбек мумтоз куйларини қайта ишлаб оркестр-

га мослаштиришда ҳам катта ишлар қилган.

Куни-кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида атоқли композитор таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда профессор Тўхтасин Гафурбеков композиторнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида гапириб, асарларининг юртимиз маънавий ҳаётидаги аҳамиятига тўхталди.

Дастур С.Жалилнинг фортепиано учун Прелюдияси билан очилди. Уни махсус фортепиано кафедраси доценти Гулзамон Ғуломов ижро этди. Композиторнинг «Рақс тароналари» (I-II қисмлар) асари ва «Тантана» увертюраси Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестри (бадиий раҳбар ва бош дирижёр Дилшод Муталов) ижросида янгради. Дилдора Тошматов ва ижросида «Кечалар юлдуз санаб» романси, Рушана Аҳмадхўжаева ижросида «Эй ёр, хуш келибсиз» кўшиғи, най ва халқ чолғу оркестри учун «Сайқал» куйи (созанда Жасур Аҳмедов) йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз ахборотимиз.

### Маданий ҳаёт

«Ўзбеккино» миллий агентлиги «Ватан» киностудиясида режиссёр Ҳилол Насимов томонидан суратга олинган «Тубанлик» фильми халқимизни, айниқса, ёшларни оғоҳликка, хушёрликка, турмуш тарзидида доғ бўлиб тушаётган воқеаларга мурокасиз бўлишга даъват этиши билан бугунги кунимиз учун аҳамиятлидир.

Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида, Ўзбоскан, Пахтаобод, Ҳўжаобод, Марҳамат туманларида ва олий ўқув юртиларида фильм ижодкорлари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирларда қатнашган режиссёр Ҳилол Насимов, таниқли актёрлар Мирза Азизов, Лола Элтоева, Муяссар Бердиқулова, ёш ижрочилар Фаррух Насимов, Зиёда Худойбердиевалар томошабинларнинг саволларига жавоб қайтариб, суратга олиш жараёнидан олган таассуротларини сўзлаб бердилар. Ижодий учрашувлар сўнггида «Тубанлик» фильми намойиш этилди.

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА



қалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент ва Остонада ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган алоқалар юксак қадрланади.

Халқларимиз ўртасидаги маънавий ақинлик ва кўп асрлик анъана-

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Консерваторияда Ўзбекистон ва Япония мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Глобаллашув даврида маданият» деб номланган мазкур анжуманда мусиқашунос олимлар, ижрочилар, олий ўқув юртилари педагоглари қатнашди.

Анжумани консерватория профессори, таниқли пианиночи Адиба Шарипова очиб, япониялик истеъодли ёш флейта ижрочиси, бугунги кунда Алишер Навоий номидаги театр оркестрида фаолият кўрсатаётган Кавамура Набихиро билан биргаликда япон композиторларининг бир неча асарларини ижро этди. Мичио Миягининг «Денгизда баҳор», К.Ямаданинг «Йўл», «Алла», «Жағашимда ёмғир» (А.Яширо аранжировкаси) пиесалари нафис жа-ранги билан йиғилганларни мафтун этди. Адиба Шарипова ва Ирода Рихсиева ижросида янграган замонавий япон композитори Чирони Яно асари ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Мусиқий қисмдан сўнг мусиқа санъатининг турли масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Қозоқ миллий санъат академияси вакили Фарид Машурованинг Шарқ халқларининг мусиқий чолғулари ҳақидаги кўргазмали чиқиши, консерватория кафедра мудири Лола Ғаниеванинг Ўзбекистон мусиқий таълимида япон модели масалаларига бағишланган маърузалар мавзунинг долзарблиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Татьяна Седихининг ҳар икки мамлакат вокал ансамбллари ўртасидаги ҳамкорлик, Элвира Абдуллаеванинг ўзбекистонлик композитор Феликс Янов-Яновскийнинг турли йилларда яратган вокал асарларида япон мавзуининг акс этиши ҳақидаги маърузалари ҳам эътибор билан тингланди. Маърузалар сўнггида Ф.Янов-Яновскийнинг япон шоирлари шеърларига ёзилган беш қисмдан иборат «Элегия»лари ижро этилди.

Биринчи илмий-амалий анжуман маърузалари «Ўзбекистон ва Япония: маданиятлар диалоги» номи билан тўплам ҳолида чоп этилган. Навбатдаги анжуман қатнашчилари ушбу китоб билан танишишга муяссар бўлдилар.

Иккинчи анжуман материалларини ҳам тўплам ҳолида чоп этиш режалаштирилган. Мазкур тўпламлар олимлар, мусиқашунослар, созанда, талабалар ва шарқ мусиқа маданияти билан қизиқувчиларга муносиб совға бўлиши, шубҳасиз.

Венера ЗОКИРОВА

## КИЗИЛКУМ САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Фарзандларимиз қалбида санъатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни мусиқанинг сөхри олами билан ошно этишда юртимизда ўтказилаётган турли фестиваллар, кўрик-танловлар, кўргазма ва анжуманлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидagi "Фарход" маданият саройида учта йирик лойиҳа бўйича бир неча йиллардан буйи ўтказиб келинаётган кўрик-танлов ва фестиваллар ана шундай тадбирлардан ҳисобланади.

Вилоятда яшаб ижод қилаётган истеъдодли ёшларни кашф қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лашга қаратилган мазкур тадбирлар маданиятимиз ва санъатимиз равақига ҳисса қўиши шубҳасиз.

Кўни-кеча мазкур лойиҳада дастлабки тадбир — "Қизилкум санъат ғунчалари" кўрик-фестивали очилди. Конституциямизнинг йигирма йиллиги кўнларида ўнинчи марта ўтказилаётган ушбу фестивалда бепоев Қизилкум бағрида ястанган Учқудук, Зарафшон, Зарметан, Зафаробод, Нуробод, Қарноб каби кон ва саноат манзилларида фаолият кўрсатаётган маданият уйлари қошида бадиий жамоаларнинг ёш вакиллари иштирок этади. Фестивал кў-

ларида юрагида санъат иштиёқи жўш урган ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар рақс, якка ижрочилик, чолғу ва вокал ижрочилиги йўналишларида маҳоратларини намойиш этишади.

Болаларнинг истеъдодини синовдан ўтказиш учун пойтахтдан ташриф буюрган ҳайъат аъзолари орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анор

Назаров, Қорақалпоғистон халқ артисти Қўрқмас Соатов, консерватория профессори, "Булбулча" ансамбли бадиий раҳбари Шермат Ёрматов каби таниқли санъаткорларнинг борлиги ёш санъат ихлосмандларига олам-олам завқ бағишламқда.

Сайёра АЗИМОВА



## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ти) шеърӣ тўплами ҳамда "Амударё" журна́ли ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасидаги шеърлари учун.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**  
**Кубарро Бахромова** — "Умрим фасллари" ("Наврўз" нашриёти) шеърӣ тўплами учун;

**Мадина Норматова** — "Оила" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси) ва бошқа туркум шеърлари учун;

**Гулжаҳон Тожитдинова** — "Қўнглимда отган тонг" ("Экстремум-пресс" нашриёти) шеърӣ тўплами учун;

**Мели Фармонов** — "Хуррият қасри" ("Бухоро" нашриёти) шеърӣ тўплами учун;

**Низомиддин Алимов** — "Оила" ("Адолат йўли" газетаси) ва бошқа туркум шеърлари учун.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Жамиятда рўй бераётган янгилиниш ва ўзгаришлар оилада ўз аксини тоғанидек, оила ҳаётидаги энг кичик ҳодиса ҳам жамиятга бевосита ўз таъсирини ўтказиши табиий. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида ҳам шулар ҳақида сўз юритилиб, бу борадаги ишларнинг аҳамияти ва мақсадларини аҳолининг барча қатламлари онгига синдириш, "Мустаҳкам оила йили" давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилган кенг

қўламли ишларни тизимли ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати катта эканлиги эътироф этилди. Миллий ахборот агентлиги, Қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Бадиий академия, Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган мазкур танловда саккиз юздан ортқ мақола ва фотоасарлар муаллифлари маҳорати нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Ғолиб ва совриндорлар танлов ташкилотчиларининг махсус дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Мукофотланганлар орасида газетамизнинг назм ва наср бўлими катта муҳбири **Рустам Мусурмон** ҳам бор. Кўп сонли муштарийлар номидан ҳамкасбимизни мукофот билан қўлайимиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Тахририят.

Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўнинчи бор ташкил этилган "Bazar-art" анъанавий кўргазма-ярмаркасини томоша қила туриб, бири-бирдан қарийб чинни буюмлар — лаган, чойнак, коса, пиёла, ликопча жамланмиси эътиборини тортди. Ёқутдай товланаётган чинни идишларнинг жаранги қулоқларим остида янграгандек бўлди.

Она юртим бағридан зуволаси — Тошкент пиёласи...

Халқимиз қўл кучи билан меҳнат қиладиганларни ишчи, қўли ва ақлини ишга солидиганларни хунарманд, қўли, ақли ва ҳис-туйғуларига суннадиган ижодкорларни санъаткор деб атайди. Шундай экан, юксак маҳорат ила яратилган, қалбга завқ шавқ бағишлайдиган кўргазмадаги чинни идишларни санъат асари, дейишга ҳақлимиз.

Раста ёнида полвон келбатли йигит кўргазмага ташриф буюрган меҳмон харидорлар, санъатга иштиёқи баланд ёшлар билан суҳбатлашяпти. У чиннига безак берувчи уста Рустам Якубов экан. Аммо одам ғавжумлигидан сўзлашиш имкони бўлмади. Кўргазма залининг иккинчи қаватида кўтарилиб, томоша қилишда давом этдим. Таъбир жоиз бўлса, олтин кузнинг рангин ҳилолари бугун шу масканга кўчган. Нафис матолардан тикилган турфа бичимдаги кийим-кечаклар, сопол, мис ва ёғочдан ясалган буюмлар, Бухоро каштадўзчилиги Руғумсарой кулолчилиги, ёғоч ўймакорлиги, анъанавий каштачилик, қандакорлик, зардўзлик санъати намуналари кишини ром этади. Ўзингизни худди эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бу ҳайрат, айниқса, чет эллик меҳмонлар нигоҳида яққол сезилади.

Тошкентда шахмат бўйича йирик мусобақалар давом этаётган ўша кунларда "Bazar-art" анъанавий кўргазма-ярмаркасида намойиш этилаётган хунармандчилик буюмлари орасида шахмат тахталари ва доналари ҳам борлиги қувонарли. Эътибор бериб қаралса, усталар

уларни истеъдоди, дунёқараш ва фантазиясидан келиб чиқиб турлича ясаган, бири-бирига ўхшамайди. Энг муҳими, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти шахмат анжомларида ўзига ҳос тарзда кўрсатиб

Хунар — зар

## ОНА ЮРТИМ БАҒРИДАН ЗУВАЛАСИ...

берилган.

...Ва нихоят Рустам Якубов билан суҳбатлашиш учун қўлай фурсат туғилди. Чинни растаси томон шошилдим. Устага газетада ишлашимни айтгандим, муддаоини дарҳол англади.

— Бу йил биз учун жуда омадли келди, — дея гап бошлади у. — Аввалига Тупроққалъада "Асрлар садоси" фестивалида чинни буюмларимиз билан қатнашган эдик, ҳозир ҳам ўз маҳсулотларимизни намойиш этаёпмиз. Мамлакатимизда миллий хунармандликни ривожлантириш, уста ва хунармандлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ҳар йили баҳор ва куз фаслларида ўтказилаётган "Bazar-art" ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келамиз. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганимизга ҳам ўн йилдан ошди. Асосан, оливий шариқта, рассом ижодхонасига ўхшаш "лаборатория"да иш юритамиз. "Уста-шоғирд" мактаби ташкил этилган. Унда ёшларга чиннига безак бериш сирлари ўргатилади.

— Чиннига безак солиш хунарманддан рассомга хос маҳоратни талаб этар экан, — қизиксиниб сўрадим. — Соатлаб бир жойда ўтириб ишлаш, устига-устак маҳсулотни печда пишириш, албатта, осон бўлмаса керак.

— Очигини айтганда, чиннига мойбўёқда безак бериш мураккаб жараён, — дея уста пахта гулли пиёлага ишора қилди. —

сарик ранг кўпроқ ишлатилади, яъни кўриниши кўёшга ўхшаш бўлади. Водий адрасида қизил рангга алоҳида ургу берилади ва машҳур водий анорларига таққосланади.

Келинг, суҳбатимиз чинни ҳақида бўлгани боис сизга бир ибратли воқеани гапириб берай. Айтишларича, устоз санъаткор Шукур Бурхонов гастролга чиққанида шахсий буюмлар орасида пахта гулли чойнак ва тўрт дона пиёла олиб юришга одатланган экан. Бир гал хоржига борганида Шукур ақани ўша мамлакатда яшаётган ватандошларимиз кўргани келишибди. Меҳмонхонада бир пиёла чой устида суҳбат қуришди. Шунда нимадир бўлиб, пиёлалардан бири ерга тушиб чил-чил синибди. Шукур ака пиёла синикларини йиғштириб, ташлаб оборишга чоғланганида, ҳалиги ватандошларимиз у кишини тўхтатибди ва:

— Шу пиёла синикларини бизга беринг, — дейишибди.

Шукур ака хайрон:

— Пиёла синиклари сизларга нега керак?

Улар кўзларида ёш билан жавоб беришибди:

— Биз Ватанини жуда соғинганмиз. Мана шу пиёла синикларининг ҳар бирида она юрт тупроғи бор. Унга боққан-да киндик қонимиз томган тупроқни эслаймиз, юртдошларимизнинг меҳр тўла қалбини ҳис этамиз...

Бу воқеани эшитаётган юрагингиз "жиз" этади. Биз кунда кўравебди қўниб қолган нарсаларга, масалан, пахта гулли пиёлага нисбатан ҳам аслида бошқача муносабатда бўлиш лозимлигини ўйлаб қоласиз.

— Миллатимизга хос азалий анъана сифатида ҳар бир одам фаровон турмуш кечириши, оиласини боқиши, жамиятга фойда келтириши учун ёшлигидан

хунарнинг нозик сирлари ва санъатини пухта ўзлаштириши лозимлиги ўқтириб келинади. Рустам, сиз ўз ҳаётингиз мисолида айтинг, хунарингиздан миннатдормисиз?

— Халқимизда "Хунар — минсанг от, учсанг — қанот" деган нақл бор. Бу нақл истиқлол йилларида ўз мазмун-моҳиятини тўла намойён этди. Мен нимага эришган бўлсам, шу хунар орқали эришдим. Касб-корим сабаб элга нафим тегаётганидан хурсандман. Изланишдан, ўқиб-ўрганишдан чарчамайман. Маҳсулотларимизга келсак, "Она замин" номи ос-



тида чиқарилаётган чинни буюмларимиз сифатли бўлгани учун харидоригр. Танлаш имконияти ҳам кенг. Ҳар кўни дўконимизга ота-оналар қувёга узатиш арасида турган ўнлаб қизларни эргаштириб келишади. Пойтахтимиз аҳолиси кўпроқ пахта гулли ва шохона чинни тўпламимизни хуш кўради. Уларни тўй-ҳашамларда келинлар сепига қўиш имомалардан. Нафақат юртдошларимиз, "Bazar-art" ярмаркасида ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, чет эллик меҳмонлар ҳам чинниларимизни бажонидил харид қилишмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимдек, "Bazar-art"да мунтазам иштирок этиб келамиз. Мазкур кўргазмада намойиш қилинаётган заргарлик буюмларидан тортиб, анъанавий каштачилик намуналарига, барча-барчаси қўли гул хунармандларимиз томонидан юксак маҳорат билан яратилган. Шу сабабдан улар дунё бозорида ҳам ўз ўрнини ва харидорини топиши шубҳасиз.

Чиннига безак беришда ўз мактабини яратишга интилаётган Рустам Якубов билан суҳбатимиз яна давом этиши мумкин эди. Чинни растасига бир гуруҳ йигит-қизлар кириб келгач хайрлашдик.

Суондик МАМИРОВ

## ҲАРОРАТНИ СУНЬИЙ РАВИШДА ТУШИРМАНГ

Тиббиёт мутахассисларининг ёзишича, болалар шамоллаб иситмалаганда дарҳол иссиқ туширувчи препаратлар бериб, тез соғайтиришга уриниш энг хавфли ҳатолардан экан.

— Ҳароратни сунъий равишда тушириш билан сиз болангизнинг иммун тизимини жиловлаб қўясиз ва оқибатда у бир хилдаги вируснинг ўзи билан кўп марта ҳасталанади, — деб ўқтиради болалар саломатлиги илмий маркази бош мутахассиси, профессор В.Таточенко. — Қолаверса, иссиқ туширадиган препаратлар тез-тез қўлланганда меъда, жигар, буйрак ва шу каби аъзо билан боғлиқ оғир асоратлар ҳам келиб чиқади. Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам қузатишганки, иссиқни туширувчи дориларни қўллаб муваффақиятга эришдик, деб хотиржам бўлинганда зотилжам билан оғриган бемор, унга бошқа зарур муолажа берилмагани оқибатида вафот этган. Албатта, бундан умуман ҳароратни туширишга уринмаслик керак экан-да, деган маъно келиб чиқмайди. Ҳарорат 39-39,5 С даража, икки ойлик чақалоқларда эса 38,5 С даража бўлганда иссиқни сунъий равишда туширишга, яъни дори воситаларини қўллашга ҳожат йўқ. Шамоллаганда аксар ҳолларда иссиқ 39,5 С гача чиқади — бу саломатлик учун хавфли эмас, аксинча қўллаб бактерия ва вируслар ана шу ҳароратда нобуд бўлади. Агар боланинг эти увишиб қалтирса ва кийналса, кутиб ўтирмасдан дори беринг, бироқ ҳароратни 36,6 С гача туширишга уринманг, 1-1,5 С даража тушса kifoya.

— Агар болада ҳарорат 37 С бўлса, у касал ҳисобланадими?

— Йўқ. Ҳароратга қараб ҳасталик бошланган, деб бўлмайди. Болаларда ҳароратнинг 37,5 С бўлиши, агар касалликнинг бошқа белгилари бўлмаса, бу — нормал ҳолдир.

— Қандай дорилар хавфсиз?

— Антипирин, анизофензон, бутадион, амидопирин, фенацитин захарлилиги учун иссиқ туширадиган дорилар рўйхатидан ўчирилди. Ота-оналар бу борада аналгиндан ҳам воз кечишлари керак. Аналгин кам ҳолларда анафилактик шокка туширса-да, шунингдек, суяк иликларини оғир жароҳатлайди. Аналгиннинг яна бир ноҳия томони у ҳароратни узок вақт 34-35 С гача тушириб юборади. Шунинг учун ҳам Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1991 йилдаёқ даволаш муассасаларига махсус хат йўллаб, аналгинни иссиқ туширувчи дори сифатида рецеттсиз қўлламасликни тавсия этган. Бу препаратдан фақат "тез ёрдам" зарур бўлган ҳолларда укол сифатида фойдаланилади.

Аспирин эса болалар грипп, ўткир вирусли нафас йўллари касалликлари, сувчечак билан оғриганда берилса, рея синдроми деб аталган оғир ҳасталикни какириши мумкин. Бундай ҳолларнинг 50 фоиздан кўпроғида бемор аҳоли ўлим билан тугайди. Мана шу ҳолат бутун жаҳонда ацетилсалицил қислота билан 15 ёшгача бўлган болаларни даволаш тақиқлаб қўйилишига сабаб бўлганини ота-оналар билиб қўйишлари керак.

Парацетамол ва ибупрофендан қайси бири афзал, деган бахслар тугади. Тадқиқотларда бу препаратларнинг иссиқ тушириш самараси бир хил эканлиги тасдиқланди. Ибупрофенни ҳарорат оғрик билан кечганда қўллаш керак. Бироқ уларнинг ҳар иккисини бир пайтнинг ўзида қўллаш тавсия қилинмайди. Баъзида уларни айнан бир таблеткада ҳам чиқарилади. Бироқ шунини унутмангки, уларни бирга қўллаш бўйрақларни ишдан чиқаради.

— Парацетамол жигарнинг душмани эмасми?

— Агар алкоғолга ружу қўйганлар парацетамол қабул қилса, уларнинг жигари ишдан чиқishi тайин. Агар парацетамол, унинг қўлланмасида кўрсатилганидек, бола ёшига мувофиқ икки-уч кундан оширмай ичилса, зиёни йўқ. Бунда рўзгорда ишлатиладиган чой қошиқлардан фойдаланмаслик керак. Уларнинг ҳажми катта — 5 мл.дир. Ҳозир чиқарилаётган чой қошиқларнинг ҳам ҳажми ҳар хил. Улардан билиб-билмай фойдаланиш кўп микдорини тўғри белгилашга, ё доридан самарасиз фойдаланишга ёхуд меъёрни ошириб юборишга олиб келади.

— Демак, иссиқ туширувчи дориларни уч кундан ортқ қўлламаслик керак экан-да?

— Ҳатто ундан ҳам оз муддат қўллаган яхши. Одатда ўткир вирусли нафас йўллари касалликларида юқори ҳарорат бирикки кун сақланади. Агар учинчи кўни ҳам ҳарорат тушмаган бўлса, билингки, бу инфекциянинг бактериал шаклига, масалан, зотилжамга ўтиб кетганидан белги бўлиши мумкин. Агар сиз шундан кейин ҳам иссиқ туширувчи дорилар билан соғаймоқчи бўлсангиз, касалингиз тузалгани ҳақида нотўғри хулосага келиб, жиддий ҳасталикни вақтида даволаб юбориш учун зарур фурсатни бой берган бўласиз. Касалликни антибиотиклар билан даволаш вақтини ўтказиб юбрасиз. Антибиотиклар ва иссиқ туширувчи дориларни бир вақтда баробар қўллаш умуман мумкин эмас. Акс ҳолда шифокор бактерияга қарши муолажанинг нечоғли самарали эканлигини аниқлай олмайди. Негаки, ҳар икки ҳолда ҳам муолажа самараси ҳароратнинг тушишига қараб аниқланади.

— Ҳароратни туширишда нима қўлай: сиропми, ҳапдори ё свеча?

— Эритма тарзидаги иссиқ туширувчи дорилар тез таъсир қилади, свечанинг самараси кечроқ билинса-да, узок давом этади. Шу сабабли дастлаб болага иссиқ туширувчи эритма дори бериб, икки-уч соатдан сўнг свеча қўйган афзал. Эритма-сиропларни ёш болаларга сут ва шарбатларга қўиш ичирган маъқул.

✓ **Шовқин юракни нишонга оладими?**

— 65 децибел (дБ)дан юқори доимий шовқин ҳамда 80-85 дБ даражасидаги шовқиннинг қисқа вақт ичидаги таъсири ҳам юрак-кон томир тизимлари учун хавф тугдиради. — дейди кардиолог шифокор А.Долещий. — Шовқин организм учун стресс ҳолатини пайдо қилади. Шовқин кўчадан кўндала стресс гормонлари ошиб кетади. Натихада, қон босими кўтарилди, юрак уриши тезлашади. Периферик томирларда спазм ҳосил бўлади. Қон қуюқлашиб, холестерин микдори кўпайиб кетади. Агар бунинг устига тамаки тутуни ҳам қўишладиган бўлса, инфаркт ва инсультга чалиниш хавфи ошади.

"АиФ"нинг 40-сонидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Сайдулла МИРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси «Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик» кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ҳофизси Оролмирза Сафаровга ўғли

БАҲҲУЛЛОнинг

вафот этганлиги муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**O'zbekiston**  
**adabiyoti va san'ati**  
Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:  
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир  
Саъдулла ҲАКИМ



Тахририятга келган қўёғмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят тўғрисида назардан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛЎМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбоа акцијдорлик компанияси босмақонаси.  
Босмақона манзили: Буёқ Тўроқ кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4262 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма ҳажм А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КўНАЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТЎВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X

9 772181 614000